



CENTRAL ASIAN REGION FOOD SECURITY AND ITS PROBLEMS

Ural Khudaykulov

Associate Professor

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Food security, Central Asia, UN Food and Agriculture Organization, trade and economic relations, regional investment, Central Asia - European Union, Central Asia - Republic of Korea, Central Asia - Japan Central Asia - India, Central Asia - China

Received: 22.12.24

Accepted: 24.12.24

Published: 26.12.24

Abstract: Ensuring food security is a prerequisite for ensuring the independence of Uzbekistan and socio-economic and political stability in the country, as well as for the coordinated implementation of work in the field of ensuring food security. National experts and specialists of the Food and Agriculture Organization of the United Nations emphasize that ensuring internal regional needs for food products in the Central Asian region and conducting scientific research on its problems are urgent issues.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ОЗИҚ ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА УНИНГ МУММОЛАРИ

Урал Худайкулов

Доцент

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Озиқ-овқат хавфсизлиги, Марказий Осиё, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, савдо-иқтисодий муносабатлар, минтақанг инвестициявий, Марказий Осиё – Европа иттифоқи, Марказий Осиё – Корея Республикаси, Марказий Осиё – Япония Марказий Осиё – Ҳиндистон, Марказий Осиё – Хитой.

Аннотация: Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон мустақиллигини ҳамда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳамда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ишларни мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириш. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг миллий экспертлари ва мутахассислари таъкидлашича, Марказий Осиё минтақасида озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ички минтақавий эҳтиёжларни таъминлаши ва унинг муммаларни илмий изланишлар олиб

ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ И ЕЕ ПРОБЛЕМЫ В РЕГИОНЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Урал Худайкулов

Доцент

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Продовольственная безопасность, Центральная Азия, Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций, торгово-экономические отношения, региональные инвестиции, Центральная Азия - Европейский Союз, Центральная Азия - Республика Корея, Центральная Азия - Япония, Центральная Азия - Индия, Центральная Азия – Китай.

Аннотация: Обеспечение продовольственной безопасности Обеспечени независимости Узбекистана и социальнс экономической и политической стабильност в стране, а также скоординированно осуществление работ в области обеспечени продовольственной безопасности Национальные эксперты и специалисты Продовольственной и сельскохозяйственно организации ООН подчеркивают, чт обеспечение внутренних региональны потребностей в продовольствии Центрально-Азиатском регионе и проведени научных исследований по этой проблематик являются актуальными вопросами.

Кириш: Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон мустақиллигини ҳамда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Сир эмас, бугун Ер юзида иқлим ўзгариши боис юз бераётган табиий офатлар, ерни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби ҳолатлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштиряпти. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиши кузатилаётир. Албатта, бу ҳолат бизга ҳам ўзининг салбий таъсири кўрсатмоқда. 2024 йил декабрига келиб Марказий Осиё аҳолиси 80 миллион кишидан ошди. Сўнгги 24 йил ичида ҳудудда аҳоли сони қарийб 1,5 баробар кўпайди. Бундай маълумотлар Евроосиё тараққиёт банкининг (ЕОТБ) макроиқтисодий [прогнозида](#) келтирилган. Қайд қилинишича, минтақа аҳолиси ҳар йили ўртача 1 миллион кишига кўпайиб, барқарор демографик ўсиш давом этмоқда. Маълумотларга кўра, Тожикистон ва Ўзбекистон демографик ўсиш бўйича етакчи бўлиб қолмоқда. Тожикистонда аҳоли сони жорий йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 10 миллион кишини ташкил этди, бу 1991 йилга нисбатан 80 фоизга кўпдир. Ўзбекистонда аҳоли сонининг йиллик ўсиши 1,1-1,2 фоизга тенг. Мамлакатда 36,7 миллиондан ортиқ аҳоли итсиқомат қилади. Бу ҳудуддаги аҳоли энг зич жойлашган мамлакат бўлиб қолмоқда. Марказий Осиё давлатлари аҳолиси сони (млн киши):

37,150 – Ўзбекистон;

22,0 – Қозоғистон;

10,0 – Тожикистон;

7,1 – Қирғизистон;

7,0 – Туркманистон.

Манбалар шаҳри. 1991- 2024 йилар даврида озиқ -овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда, Марказий Осиё аҳолисининг ўсиши озиқ -овқатга бўлган талабларни ошиб бориши ва Марказий Осиё аҳолисининг ўртача ёши тахминан 26,2 ёшни ташкил этади, бу эса ёшларнинг устунлигини кўрсатади. Аҳолининг тез ўсиши Марказий Осиё давлатлари олдида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иш ўринларини яратиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда Марказий Осиё давлатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни энг долзарб устувор вазифалардан биридир. Марказий Осиё давлатларига доир муҳим жиҳатларини ва асосий хулосаларини эътиборга оладиган бўлсак. IFPRI тадқиқотчиларининг фикрича, миқдори ва сифати (микроэлементлари жиҳатидан) қониқарли даражада бўлмаган овқатланиш Марказий Осиё минтақасида ҳали ҳам муаммолигича қолмоқда. Масалан, Тожикистонда 5 ёшгача бўлган болаларнинг 17 фоизида ўсишнинг оқсаши кузатилган. Туркманистонда эса бу кўрсаткич 12%ни ташкил этади. Бундан ташқари, Марказий Осиё аҳолиси ўртасида озуқа микроэлементлари етишмовчилиги сабабли анемия даражаси жуда юқори.

Ушбу ҳолатни яхшилаш мақсадида минтақа мамлакатлари БМТ билан ҳамкорликда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида тўлақонли овқатланишни ривожлантириш бўйича минтақавий платформани таъсис этдилар. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари 2030 йилгача бўлган муддатда ўзларининг барқарор ривожланиш стратегиялари доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида қонунлар ҳам қабул қилдилар. Қишлоқ ҳаётини тиклаш ва ривожлантиришда Қозоғистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг урбанизациялашган мамлакат саналади. Мамлакатда шаҳар аҳолисининг улуши 57%ни ташкил этади. Минтақадаги урбанизация даражаси энг паст мамлакат – Тожикистон (27%). Урбанизация (лотинча urbanus — шаҳарлик) жамият ривожидида шаҳарлар, шаҳар маданияти ва шаҳарларга хос бошқа муносабатларнинг ривожланиш жараёни ҳисобланади. Бу жараён қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айланиши, шаҳар атрофи зоналарининг кенгайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб бориши ҳисобига юз беради [1]. Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари инфратузилмани яхшилаш, қишлоқ хўжалиги негизида иқтисодий кластерларни яратиш, инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ туманларида иқтисодиётни

диверсификациялаш орқали уларни ривожлантиришга фаол ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Минтақа мамлакатлари самарали ҳамкорлик қилиб, муҳим масалаларни ҳал эта бошлагани таъкидлаб. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириб бориш зарурлиги таъкидланди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари нафақат асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириши, балки халқаро бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин

Тадқиқот методологияси. Манбашунослик ва тарихшунослик соҳаларига оид палеографик, матншунослик, сиёсатшунослик, цивилизацион ёндашув, контент анализ, статистик таҳлил (статистисал анализис), тизимли таҳлил, муаммовий-мақсадли ёндашув каби илмий билиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот таҳлили ва натижалари. Марказий Осиё мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмоқда Бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва сувни тежашнинг инновацион технологияларини жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш, чуқур қайта ишлашни ривожлантириш, селекция соҳасидаги илмий ишларни кучайтириш, кластер ва "ақлли" фермер хўжаликларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ишларни мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириш лозим. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг миллий экспертлари ва мутахассислари таъкидлашича, биз нафақат асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ички минтақавий эҳтиёжларни таъминлашимиз, балки халқаро бозорда мустаҳкам ўринларни эгаллашимиз мумкин. Аграр ишлаб чиқаришнинг инновацион усуллари, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш, чуқур қайта ишлашни ривожлантириш, селекция соҳасида илмий ишларни кучайтириш, кластерлар ва "ақлли фермалар"ни яратиш муҳимдир. Бугунги кунда барча Марказий Осиё давлатлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни энг долзарб устувор вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Шу нуқтайи назардан, минтақа мамлакатлари ушбу муаммоларни енгиб ўтиш учун ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласига катта аҳамият берадилар. Қайд этилишича, бу борада Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати мамлакатлар ўртасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга ижобий туртки берди ва натижада саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид муҳим шартномалар пакети имзоланди. 2017 йилдан

2019 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки баробарга ошиб, 2,7 миллиард доллардан 5,2 миллиард долларга етди [2].

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Вазиятни яхшилаш учун минтақа давлатлари ўзгарувчан сув режимига чидамли, серҳосил экин навларини яратиши ва ўзаро савдо ҳажмини ошириши керак. Осиё тараққиёт банки (ОТБ) экспертлари Буи Мин Гиап ва Ясмин Сиддиқ Марказий Осиёда қандай қилиб озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш мумкинлиги бўйича ўз тавсияларини тақдим этди. “Ўтган йили Россиянинг Украинага бостириб кириши натижасида юзага келган савдо узилишлари ва пандемиянинг узоқ давом этаётган таъсири минтақада озиқ-овқат нархлари инфляциясининг икки хонали ўсиши кузатилишига сабаб бўлди”, дейди ОТБ экспертлари. Уларнинг қўшимча қилишича, Марказий Осиёда 10 млн гектар ерни суғориш учун асосий манба бўлган Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида сув ҳажми 15 фоизга қисқариши кутилмоқда. Музликларнинг эриши экинларни экиш ва суғориш муддатлари билан боғлиқ вазиятни янада оғирлаштиради, чунки дарёларда сув ҳажмининг энг юқори миқдори йил бошида содир бўлмоқда. Вазиятни яхшилаш учун тез ва осон ечимлар бўлмаса-да, ҳозиргидан самаралироқ ва барқарор қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун минтақага катта миқдорда сармоя ва маблағ керак бўлади. Ўзаро ҳамкорлик озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилашга ёрдам беради. Осиёнинг бошқа қисмларига нисбатан денгиздан узоқда жойлашган Марказий Осиёда минтақа давлатлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик иқлимга чидамли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириши, шунингдек, эҳтиёжни қондириш учун ўзаро савдо ҳажмини ошириши керак. “Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (CAREC) аъзолари ўтган йили тўғри йўналишда қадам ташлади. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш имконини берувчи янги тузилма ташкил қилди. Ҳамкорлик учта асосий йўналишда амалга оширилиши режалаштирилган.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигида ўзаро тажриба алмашиш. Буғдой, шоли, маккажўхори каби озиқ-овқат маҳсулотлари ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий қисмини ташкил қилади, бироқ вилоятлардаги кўплаб фермер хўжаликларининг кичиклиги ва механизация даражаси пастлиги ҳосилдорликка ҳам таъсир кўрсатади. Озарбойжон, Қирғизистон, Покистон ва Тожикистонда ўртача деҳқончилик майдонлари 1-

3 гектарни ташкил этади. Ушбу кичик ҳажм фермерларнинг ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон бериши мумкин бўлган ўғитлар ва технологияларни сотиб олишдаги молиявий имкониятини чеклайди. Қишлоқ хўжалигида замонавий усуллардан фойдаланиш ҳосилдорликни оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, Хитойда сувни паст босимда қувурлар тармоғи орқали тарқатиш билан исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган замонавий технология жорий этилган. Қозоғистон ҳосилдорликни ошириш, ўғит ва пестицидларни қўллашда дронлар ва сунъий йўлдошлар орқали тўпланган тупроқ, об-ҳаво ва экинлар ҳосилдорлиги ҳақидаги маълумотлардан фойдаланади. Мамлакатда амалга оширилаётган ушбу тажриба лойиҳалари самарали натижалар кўрсатган: чорва сути маҳсулдорлиги 18 фоизга ошган, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш ҳаражатлари 20 фоизга камайган, ғалла ҳосилдорлиги гектарига 2,5 тоннага кўпайган. Билим алмашишнинг яна бир усули таълим ва тадқиқотлардир. Қишлоқ хўжалиги амалиётида фойдаланиладиган дастурларни ишлаб чиқиш ёш мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради. Зараркунандалар, эпидемиялар ва ўзгарувчан сув режимига чидамли, серҳосил экин навларини яратиш бўйича ҳамкорликда олиб борилган изланишлар ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, озиқ-овқат қиймат занжирини ривожлантириш учун биргаликда ҳаракат қилиш. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш хизматлари Марказий Осиёнинг аксарият мамлакатларида ҳали ҳам ривожланмаган, бу ерда йиғилган мева ва сабзавотларнинг 25 фоизгача қисми исроф қилинади. Минтақадаги давлатлар озиқ-овқат таъминоти учун муҳим бўлган хизматларга сармоя киритишга ундайдиган қулай ишбилармонлик муҳитини яратиши ва хусусий секторни жалб қилиш орқали ушбу камчиликларни бартараф этишлари мумкин. Ҳукуматлар ушбу жараёнда ерга эгалик ҳуқуқини таъминлаши муҳим аҳамиятга эга. Хусусий сектор корхоналарини шаффоф рағбатлантириш ва инвестициялардан сўнг уларнинг активларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Учинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини такомиллаштириш орқали савдони кенгайтириш. Кўпгина CAREC мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги тизими эскирган ва халқаро стандартларга жавоб бермайдиган санитария ва фитосанитария чоралари мавжуд. Ушбу стандартларни янгилаш учун самарали ва шаффоф электрон санитария ва фитосанитария сертификатлаш тизимларини амалиётга татбиқ этиш тавсия қилинади. Озиқ-овқат хавфсизлиги тизимларини такомиллаштириш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш минтақада озиқ-овқат савдосини оширишга, озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва арзонлигини таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек,

озик-овқат саноатига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиши мумкин, бу эса таъминотни кўпайтиришга, мамлакатларнинг озик-овқатга бўлган эҳтиёжларини кондиринишга ва минтақадан ташқарида маҳсулот бозорларини кенгайтиришга ёрдам беради”. Мутахассисларнинг хулоса қилишича, Марказий Осиё мамлакатлари озик-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмоқда, бироқ ўзаро ҳамкорликда узоқ муддатли ечимларни топиш учун катта имкониятлар мавжуд [3].

Ўзбекистон, 2017-2019 йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси йиллик ўртача 50 фоиздан кўпроққа ўсиб, 5,2 млрд. долларга етган. 2020 йил натижаларига кўра эса, глобал пандемия шароитига қарамай, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 5 млрд. долларни ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё давлатларининг улуши 2019 йилдаги 12,4% дан, 2020 йилда 13,6 % га ошган. Ўзбекистоннинг минтақадаги умумий ташқи савдо айланмасида эса Қозоғистоннинг улуши 61%, Қирғизистон – 18,2%, Туркманистон – 10,6% ва Тожикистоннинг улуши 10,2% ни ташкил этди.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг манашундай яхшиланиши, умуман айтганда, минтақанг инвестициявий жозибдорлигини оширишга ёрдам берди. Хусусан, 2017-2020 йиллар оралиғида Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасида 300 дан ортиқ шартнома, шунингдек, қарийб 75 млрд. долларга тенг шартнома ва битимлар имзоланган. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари АҚШ билан ҳамкорликда минтақада иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун беш йил ичида камида 1 млрд. долларга тенг маблағларини жалб этиш мақсадида “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” ташаббусини йўлга қўйди. “C5+1” платформаси орқали амалга оширилаётган ушбу ташаббус Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва ўсишини таъминлаш мақсадида савдо-сотикни ошириш, комплекс ривожланишни рағбатлантириш ва кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланишга интилади. Ҳамжамиятида Марказий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини минтақа ва йирик давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорликнинг турли форматлари ташкил қилинаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Мавжуд “Марказий Осиё – АҚШ”, “Марказий Осиё – Европа иттифоқи”, “Марказий Осиё – Корея Республикаси”, “Марказий Осиё – Япония” каби мулоқот форматлари қаторига охириги йилларда “Марказий Осиё – Ҳиндистон”, “Марказий Осиё – Хитой” ва “Марказий Осиё – Россия Федерацияси” сингари янги форматлар қўшилди.

Мазкур ҳолат, биринчидан, минтақадаги ижобий ўзгаришлар натижасида юзага келган мутлақо янги муҳит дунёнинг етакчи давлатлари томонидан Марказий Осиёга нисбатан эътиборнинг ошганини кўрсатса, иккинчидан, чет эл давлатлари минтақа мамлакатлари билан нафақат икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки ягона минтақавий кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга аҳамият қаратаётганидан далолатдир [4].

Хулоса. Хуллас қилиб айтганда, Жаҳон ҳамжамиятида Марказий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини минтақа ва йирик давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорликнинг турли форматлари йўлга қўйилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. “Марказий Осиё – АҚШ”, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё – Корея Республикаси”, “Марказий Осиё – Япония” платформалари қаторига охириги йилларда “Марказий Осиё – Ҳиндистон”, “Марказий Осиё – Хитой” ва “Марказий Осиё – Россия Федерацияси” сингари янги лойиҳалар қўшилди. Мазкур ҳолат, биринчидан, минтақадаги ижобий ўзгаришлар натижасида юзага келган мутлақо янги муҳит дунёнинг етакчи давлатлари томонидан тан олинаётганини кўрсатса, иккинчидан, чет давлатлар минтақа мамлакатлари билан нафақат икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки ягона минтақавий кўп томонлама ҳам муносабатларни ривожлантиришга аҳамият қаратаётганидан далолат. озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижалар Шу билан бирга минтақа ҳамда бошқа давлат ва халқаро институтлар ўртасида янги форматлар тузилиши Марказий Осиёнинг геосиёсий ва иқтисодий аҳамияти ошиб боришига, шунингдек минтақага халқаро муносабатлардаги яхлит сиёсий-дипломатик субъект сифатида қаралишига олиб келмоқда [5].

Адабиётлар.

1. <https://www.uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/4857/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувидаги нутқи 09.08.2024
3. Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини қандай яхшилаш мумкин. Ўзбекистон овози. Газетаси. 90.03.2023й.
4. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсати фаолиятининг устувор йўналиши Тараққиёт стратегияси» маркази. 03.04.2021й.
5. Ўзбекистон миллий ахборат агентлиги . 06.10. 2024 й.